

Фиқҳ дарслари (65-дарс). Фиқҳнинг таърифи



19:05 / 26.12.2019 2498

«Фиқҳ» сўзи луғатда дақиқ фаҳми, яъни бир нарсани нозик жойларигача тушунишни англатади.

Шариат истилоҳида эса шаръий далиллардан фаръий ҳукмларни чиқаришга «фиқҳ» деб айтилади.

Ушбу таърифдаги «шаръий далил» истилоҳидан асосан Қуръони Карим оятларини ва Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини тушунамиз.

«Фаръий ҳукмлар» эса луғатда аслийнинг тескараси, яъни шохобча, кичик аҳамиятли деган маънони англатади.

Шариатда эса ибодат ва муомалотларни ўз ичига олувчи ҳукмлар фаръий ҳукмлардир.

Фиқҳнинг маъноси Қуръонда келганига ва унинг аҳамияти қанчалар юксаклигига Тавба сурасидаги қуйидаги ояти карима ҳам далолат қилади:

﴿يَحْذَرُونَ لَعْنَهُمْ إِلَيْهِمْ رَجَعُوا إِذَا فَوَّعَهُمْ وَإِنذَرُوا الَّذِينَ فِي لَيْفَقَهُمْ طَائِفَةٌ مِنْهُمْ فَرَقَوْا كُلٌّ مِنْهُمْ فَلَوْلَا كَأَنَّ لَيْفَقُوا الْمُؤْمِنُونَ كَانَتْ وَمَا ﴿١٢٢﴾﴾

«Мўминлар ёппасига (жангга) қўзғалишлари лозим эмас. Ҳар жамоадан бир нафар тоифа бўлсайди. Динни чуқур англаб, қайтиб келган вақтларида қавмларини огоҳлантирар эдилар. Шоядки, улар ҳазир бўлсалар» (122-оят).

Бу ояти каримани уламоларимиз икки хил тафсир қилишган. Биринчи тоифа:

«Мўминларнинг ҳаммалари (жангга) қўзғалишлари лозим эмас. Ҳар жамоадан бир нафар тоифа бўлсайди, шунда жангга қўзғалмай қолар эдилар. Улар динни чуқур англаб, жиҳодга кетганлар қайтиб келган вақтларида қавмларини огоҳлантирадидлар. Шоядки, улар (яъни жиҳодга кетганлар) ҳазир – эҳтиёт бўлсалар», деган маънони илгари сурадидлар.

Иккинчи гуруҳ уламоларимиз эса:

«Мўминларнинг ҳаммалари (жангга) қўзғалишлари лозим эмас. Ҳар жамоадан бир нафар тоифа бўлсайди. Улар (жангга қўзғалардилар ва жиҳод давомида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бўлган мулоқотларда) динни чуқур англаб, (ўрганар эдилар. Жиҳоддан) қайтиб келган вақтларида қавмларини огоҳлантирадидлар. Шоядки, улар (яъни жиҳодга чиқмай қолганлар ҳам) ҳазир бўлсалар», деган маънони таъкидлайдилар.

Кўпчилик тафсирчиларда биринчи фикр олинган бўлса-да, иккинчи фикр ҳам кучли ҳисобланади.

Нима бўлганда ҳам, ояти карима ва уламоларимизнинг унга турли ёндашувларидан Ислом дини ўз динимизни чуқур англаб етишга қанчалик юқори аҳамият бергани яққол кўриниб турибди. Ҳатто жиҳодга бормай қолишга узр бўладиган бирдан-бир нарса ҳам диний илмларни чуқур ўрганиш учун бўлган ҳаракат бўлиши мумкин экан.

Агар ушбу ояти каримани ўрганишда иккинчи хил тафсир қилган уламоларимиз йўлидан борадиган бўлсак, қирғин-барот уруш бўлиб турганда ҳам Исломни чуқур ўрганишга ҳаракат қилиш лозимлиги таъкидланганини кўрамиз.

